
Хеч ким меҳр ва эътибордан четта қолмайди.

Қува туманидаги “обод ҳонадон”, “обод кўча”, “обод маҳалла” мезонлари асосида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган Қорақум маҳалласида нафақат коммуникация тармоқлари яхшиланмоқда, балки аҳолининг манадий ҳордиқ чиқаришлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга эътибор қаратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан айни дамда “Конституция ҳафталига” доирасида 3-декабр халқаро ногиронлар куни муносабати билан маҳалла ҳудудидаги “Иброҳим хожи ота” тантаналар саройида тумандаги қолаверса, маҳалла ҳудудидаги 300 нафардан ортиқ ногиронлиги бор фуқаролар иштирокида байрам дастурхони ёзилиб маданий тадбир ўтказилмоқда.

Туман ҳокимлиги, ногиронлар жамияти, маънавият ва маърифат маркази, Оила ва хотин-қизлар, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди туман бўлимлари ҳамда бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур тадбирда сектор раҳбарлари ва фаоллар ҳам иштирок этишмоқда

2023-12-02 15:43:54